



**ДАВЛАТНИНГ ҲАРБИЙ ХАВҒСИЗЛИГИ:
КОНЦЕПТУАЛ АСОСЛАР ВА ЗАМОНАВИЙ ҚАРАШЛАР
УСМАНОВ А.Т.**

Адлия подполковниги, Ўзбекистон Республикаси Миллий
гвардияси Бошқарма бошлиғининг ўринбосари
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7794624>

ARTICLE INFO

Received: 23th March 2023

Accepted: 30th March 2023

Online: 31th March 2023

KEY WORDS

Ҳарбий хавфсизлик, мудофаа
қобилияти, жамоат
хавфсизлиги, ҳарбий
доктрина, мудофаа
доктринаси, ҳарбий
ҳаракатлар, миллий
хавфсизлик, хавфсизлик,
давлат хавфсизлиги, уруш,
жамият, ресурслар, халқаро
муносабатлар, ҳарбий куч,
мудофаа қуввати, қуролли
можаро, қонунчилик
ҳужжатлари, таҳдид.

ABSTRACT

Ушбу мақолада ҳарбий хавфсизлик тушунчасининг шаклланиш босқичлари тадқиқ этилиб, амалга оширилган изланишлар натижаларидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий хавфсизлик тушунчасини тўлдириш ҳақида мулоҳаза ва таклифлар билдирилган.

2022 йилнинг февраль ойидан дунё сиёсатчилари ўта мураккаб ички ва ташқи сиёсий муаммоларни ҳал қилишга мажбур бўлишмоқда. Лекин ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларнинг энг муҳими мамлакат хавфсизлигини ҳар томонлама таъминлашдир.

Юртимизда мамлакат хавфсизлигини ҳар томонлама таъминлаш борасида кенг қўламли ишларни амалга ошириш давом этмоқда. Зеро Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлиги - ҳудудий яхлитликни сақлаш ва давлат чегараларининг бузилмаслиги ҳамда хавфсизликнинг бўлинмаслиги принциплари асосида таъминланиши қонун ҳужжатларида таъкидланган¹.

Хавфсизлик тизимида ҳарбий хавфсизлик энг муҳим ўринни эгаллаб, давлатчилик ва цивилизация пайдо бўлганидан бери аксарият тилларда мавжуд бўлган тушунчадир. Ушбу муаммонинг тарихини тадқиқ қилмасдан ва назарий асосларини тушунмасдан туриб, ҳарбий хавфсизликни мустақамлашда

¹ “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни



муваффақиятга эришишнинг имкони бўлмайди. Ҳарбий хавфсизлик муаммосини назарий тушуниш учун фалсафанинг методологик базасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фалсафанинг бутун тарихи давомида уруш ва тинчлик, хавфсизлик ва экзистенциал таҳдидлар чуқур ўрганилган мавзулар сирасига киради. Давлатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлаш масалалари антик давр мутафаккирларнинг асарларида ҳам ўз ифодасини топган. “**κρατικής ασφάλειας**”, яъни “**Давлат хавфсизлиги**” ҳақида антик фалсафанинг илк намояндалари Фалес ва Гераклит, шунингдек Сўкрат, Афлотун, Арасту каби мумтоз фалсафа вакиллари ҳам фикр юритишган.

Афлотуннинг “Федон” суҳбатларида - тана ва танага хос лаззатларга етишиш йўлидаги майиллар уруш, кўзғолон, жангу-жадалларни келтириб чиқариши, зеро урушлар моддий бойликларни қўлга киритиш учун олиб борилади деб таъкидланади². Афлотун уруш мудофаага ва адолатни тиклашга қаратилган бўлиши мумкинлигини ва ҳарбийларни мамлакатнинг ҳарбий хавфсизлигини таъминлашдан ҳеч бир нарса чалғитмаслиги керак деб ҳисоблаган. Ҳарбийларнинг асосий мақсади - давлатнинг қудратини ва яхлитлигини сақлашдир. Унинг фикрича, хавфсизликнинг моҳияти зарарни олдини олишдан иборат бўлади³.

Арасту давлат тузилишида ҳарбий қудратни ҳисобга олиш муҳим эканлигини, худди шундай давлатнинг моддий воситалари ҳам инобатга олиниши лозимлигини таъкидлаган. Моддий воситалар нафақат давлатнинг ички эҳтиёжлари учун, балки ташқи хавфлар юзага келган тақдирда ҳам етарли бўлиши даркор⁴.

Ҳарбий хавфсизлик муаммоси муайян ахлоқий қарашларга боғлиқ ҳолда маълум бир даврда ҳукмрон бўлган мафкура асосида ҳал этилган. Ҳарбий хавфсизликнинг онтологияси этика ва аксиология билан чамбарчас боғлиқ. Хавфсизлик тушунчасининг қадри инсоний, ижтимоий ва маданий маъноларга эга бўлиб, хавфсизлик воқеликдаги ҳодиса сифатида кўрилган. Ёвузлик ва эзгуликни, хайрли ва зарарли амалларнинг турлича тушунлиши, уруш ва тинчлик муаммоларни мутафаккирлар томонидан айрим ҳолларда бир бирига тамомила зид бўлган фикрларда талқин этилган.

Геродотнинг “Тарих”ида антик дунёнинг ўзига хос бўлган ахборот урушлари ва “мафкуравий қўпоровчиликлар” ҳақида хабарлар келтирилган бўлсада, Гай Юлий Цезарь хавфсизлик қуролланган кучлар томонидан таъминланиши лозим деб ҳисоблаган⁵.

Вақт ўтиши билан уруш тушунчаси моҳиятининг трансформацияга учраши оқибатида ҳарбий хавфсизликни талқин қилиш ҳам ўзгаришларга учраган.

Хаммурапи қонунлари Бобилнинг ижтимоий ҳаёт тарзи худолар томонидан ўрнатилган умумий ва абадий адолат мезонларига асосланганлигини таъкидлайди. Мазкур қонунларни тузувчи, агар ҳар бир фуқаро иерархияда ўз ўрнини эгаллаб, унга

² Творения Платона, Том I, Евтифрон, Апология Сократа, Критон, Федон. 11, стр. 135. Петербург 1923.

³ Военная безопасность как проблема философии политики. А.А. Ковалев, Э.А. Мусин. Вестник Поволжского института управления 2018. Том 18. № 3.

⁴ Аристотель Политика. Издание, оформление. ООО Группа Компаний «РИПОЛ классик», 2016

⁵ Военная безопасность как проблема философии политики. А.А. Ковалев, Э.А. Мусин. Вестник Поволжского института управления 2018. Том 18. № 3.



мос вазифаларни адо этса, миллион нафар аҳолига эга салтанат самарали фаолият юритишига ишонган. Шунда жамият етарли миқдорда маҳсулот ишлаб чиқариб, уларни тартиб билан тақсимлайди, ўзининг хавфсизлигини таъминлаш ва янада кўпроқ бойлик орттириш учун ташқи душманлардан ҳимоялана олади ва ўз ҳудудини кенгайтиради.

Бирлашган Хитой империясининг биринчи императори Син Ши Хуанди шундай деб мағрурланиб гапирган “олтита йўналишда ҳамма нарса императорга тегишли... одамларнинг изи бор жой борки, ўша одамларнинг ҳаммаси император субъекти бўлган... унинг меҳри ҳатто ҳўкизлар ва отларга ҳам етади. Бу ҳамма учун фойдалидир. Ҳар бир одам унинг томи остида хавфсиздир”⁶.

Ўзи сингари инсонларни қирғин қилиш усуллариининг такомиллашуви хавфсизлик муаммоларига, шу жумладан ҳарбий хавфсизлик муаммосига ҳам янгича ёндашувларини кўриб чиқиш учун туртки бўлган. Зеро, инсоният тарихида урушлар ва қуролли можаролар даврида одамлар энг кўп қирғин қилинган.

Номаълум ерларни фатҳ қилиш учун узоқ масофали юришларни ўтказиш инсоният учун табиий ҳол эмас аслида. Тарих давомида аксарият жамиятлар маҳаллий низолар ва қўшнилари билан жанжалларда шунчалик банд эдиларки, улар узоқ ерларни ўрганиш ва босиб олишни ҳеч қачон ўйлашмаган. Ҳаттоки кўпгина йирик империялар ҳам ўзларининг яқин атрофлари устидан назоратларини кенгайтирар эдилар – натижада улар қўшни ҳудудлар ҳисобигагина кенгайиб борар эди холос. Шу тариқа римликлар Римни ҳимоя қилиш учун Этрурияни забт этдилар (милоддан аввалги 350-300 йил). Кейин улар Этрурияни ҳимоя қилиш учун унга хавф солаётган По водийсини забт этдилар (милоддан аввалги 200 йил). Кейин эса По водийсини ҳимоя қилиш учун Провансни (милоддан аввалги 120 йил), Провансни ҳимоя қилиш учун Галлияни (милоддан аввалги 50 йил) ва Галлия хавфсизлиги учун Британияни (милодий 50 йил) босиб олдилар. Римдан Лондонга бориш учун 400 йил керак бўлди⁷.

Узоқ давом этган ҳарбий ҳаракатлар ва можаролар ҳар қандай цивилизация учун синов бўлади. Европа цивилизацияси ҳам Юнонистонда юзага келди, тизимли ва қонунчилик жиҳатдан Рим республикасида ва кейинчалик Рим империясида мустаҳкамланди, Европада эса яқиний шаклга кирди.

Шарқ ва Ғарб савдо йўллари чорраҳасида жойлашган, асрлар давомида ўтроқ зироаткор ва кўчманчи чорвадор аҳоли ўртасида мутаносиблик ва муштараклик мавжуд бўлган, қатор босқинларни бошидан кечирган кўплаб динлар, маданиятларга жой берган, жасур ва бағрикенг аҳолисига эга бўлган Марказий Осиё инсоният цивилизациясига катта ҳисса қўшган ҳудудлардан бири бўлган. Ушбу ҳудудда Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур сингари буюк шахслар етишиб чиқди.

Амир Темур шахси, ҳукмдорлик даври тарихини ўрганишида, унинг давлатчилиги мазмун-моҳиятини англашда, ҳозирги даврда унинг аҳамиятини англаб етишда “Темур тузуклари” муҳим ўрин эгаллайди. Мазкур тузук ва воқеалар таҳлили шундан далолат берадики, Амир Темур давлат хавфсизлиги хизмати соҳаси тизимини ишлаб чиқиб, уни

⁶ Ювал Ноа Ҳарари Sapiens: Инсониятнинг қисқача тарихи

⁷ Ювал Ноа Ҳарари Sapiens: Инсониятнинг қисқача тарихи



амалиётга татбиқ эта олган. Ҳар бир жойда хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилинган, масъул шахслар ҳар қандай вазиятда ҳам хавфсизликни сақлашга тайёр бўлиб турганлар. Ички низо ва парокандалик, таҳликали урушларга тўла бўлмиш ўрта асрлар шароитида хавфсизлик масаласига эътибор энг олдинги ўринлардан бирида туришини Соҳибқирон яхши англари эди. Амир Темур ўз “Тузуқлари”да уруш майдонини танлашда тўрт нарсага амал қилиш лозимлигини таъкидлайди. Булар:

1. Ўша ернинг сувга узоқ-яқинлиги;
2. Аскар сақлайдиган ернинг хавфсизлиги;
3. Душман аскарлари турган ердан тепароқда бўлиш ва қуёшга рўпара бўлиб қолмаслик;
4. Уруш майдонини олди очиқ, кенг жой бўлиши лозим.

Амир Темур ўз ҳукмронлиги даврида мутаассиблик, айирмачилик, мазҳабчилик кўринишларига йўл бермади. Осойишталик, тинчлик-хотиржамлик, хавфсизлик борасида аҳамиятга молик ишларни амалга оширди. Бу хусусда Соҳибқирон, “...салтанатимнинг у четидан бу четигача бирор болакай бошида бир сават тилла кўтариб ўтадиган бўлса, бир донасига ҳам зарар етмайдиган тартиб-интизом ўрнатдим”, дея қайд қилган эди⁸.

Инглиз файласуфи Джон Локк “Давлатни бошқариш тўғрисида икки рисола” асарида замонавий социал ҳодиса, хусусан, давлат бошқаруви каби катта ижтимоий аҳамиятга молик ҳодисани тушунишга интилиш бизни бу масаланинг табиати ва моҳиятига мурожаат қилишга ундайди, деган фикрни билдириб ўтади. Жамиятда юз берадиган кўпгина воқеа-ҳодисалар бошқарув масаласи билан боғлиқ. Давлатнинг асосий бошқарувчилик вазифалари раҳбарлик, мувофиқлаштириш, ташкил этиш, назорат, социумни сақлаш ва ривожлантириш мақсадида қарорлар қабул қилиш, унинг тузилиши ва фаолиятини тартибга келтириш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳар томонлама фаолият кўрсатиши учун қулай шароитлар яратишдан иборат деб фикр билдирган⁹.

Джон Локк уруш ҳолатига - душманлик ва бузғунчилик ҳолатидир деб таъриф бериб, сўзи билан ёхуд ҳаракати билан бошқа бировни ҳаётдан маҳрум қилиш тўғрисида шошма-шошарликда эмас, балки ўйлаб, қатъий қарорини эълон қилган киши, ўзини ўзи бундай ниятни кимга нисбатан эълон қилган билан уруш ҳолатига олиб келади, ва шу тариқа ўзининг ҳаётини хавфда қолдиради деб таъкидлайди. Ўзига таҳдид солаётган кимсани йўқ қилиш ҳуқуқига эга бўлишни жуда оқилона ва адолатли деб ҳисоблайди. Инсон у билан уришаётган ёки унга душманлик қилган, унинг мавжудлигига таҳдид соладиган кимсани йўқ қилиши мумкин, худди бўри ёки шерни ўлдиришга ижозат сингари; чунки инсонлар онгнинг умумий қонун ришталари билан боғланмаганлар, улар фақат куч ва зўравонлик билан бошқарилади, шунинг учун

⁸ А.А.Одилов. Амир Темур тузуқлари - давлат бошқаруви асоси. — “Fan va texnologiya nashriyoti”, 2016.

⁹ Elmurotov Jamshid Shodiyorovich JON LOKKNING SIYOSIY-FALSAFIY QARASHLARIDA DAVLAT BOSHQARUVI VA UNING TASNIFLARINING AKS ETISHI. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences Scientific Journal Impact Factor. VOLUME 1



уларни йиртқич ҳайвонлар сингари, хавфли ва ярамас махлуқотлар деб ҳисоблаш мумкин, уларнинг чангалига инсон тушган заҳоти сўзсиз йўқ қилинади¹⁰.

В.К.Потехиннинг таъкидлашича, мутахассислар урушга - ижтимоий ҳодиса сифатида давлатлар, синфлар, халқлар, қабилалар ўртасидаги қарама-қаршиликларни, тарафлар томонидан бошқариладиган, ресурслар атрофида ривожланадиган қарама-қаршиликларни ҳал қилиш воситаси деб қарашган. Ушбу ҳодиса табиийдир ва сиёсатчилар ўз мамлакатларига зарар етказмасдан, уни бекор қила олмайдилар, фақат унинг юзага келиш жараёнини юмшата оладилар ёки аксинча рағбатлантирадилар.

В.К.Потехин ушбуларни рад этмаган ҳолда, уруш тушунчасига универсал таъриф таклиф қилган. Унга кўра уруш - душманнинг ресурсларини қўлга киритиш ёки қайта тақсимлаш учун душманни йўқ қилиш, геноцид содир қилиш ёки уни дезориентация қилиш орқали ижтимоий қарама-қаршиликларни ҳал қилиш усулидир. Ресурсларни қайта тақсимлаш доим мавжуд бўлган. Қадимги жамиятларда урушлар қабиланинг бошпана жойлари, қорамоллари, сув манбалари ва яйловлари учун олиб борилган бўлса, қадимги дунёда мисрликлар, римликлар инсон ресурсларини (аёлларни, кулларни) ва қимматбаҳо буюмларни қўлга киритиш учун урушга киришган. Ўрта асрларда ҳудудларни ва хом ашё ресурсларини қайта тақсимлаш илинжида, кейинги даврларда эса хом ашё ресурслари ва истеъмол бозорлари учун урушлар олиб борилган¹¹.

Ф.Фукуяманинг фикрича, мамлакатнинг муҳофаа қобилияти ва жамоат хавфсизлиги давлат томонидан таъминланадиган ва инсонларга фақат уларнинг ушбу давлат фуқаролигига мансублиги туфайли тақдим қилинадиган “ижтимоий неъмат”ларнинг классик намунаси¹².

Д.Халмухамедов таъкидича, ...барча давлатларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жамоат жойларидаги жиноятчиликка қарши курашиш, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш муҳим масалалардан бири Бу борада давлатлар томонидан турли хил ўзига хос миллий тизимлар ишлаб чиқилиб, жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимига татбиқ этилиб келинмоқда. Ушбу соҳада ҳар бир давлат ўзига хос илғор тажрибага эга бўлиб, уларни ўрганиш мамлакатимизда жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим йўналишлари ва йўллари белгилашга, бу борадаги давлат сиёсатини белгилашда муҳим аҳамият касб этади¹³.

Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясида, жамоат хавфсизлиги — жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати бўлиб, у жамиятнинг барқарор ривожланишига хизмат қилади ҳамда инсоннинг ҳуқуқлари,

¹⁰ Джон Локк. ДВА ТРАКТАТА О ПРАВЛЕНИИ (Электрон манба) <http://www.6lib.ru/books/dva-traktata-o-pravlenii-230232.html>

¹¹ В.К. Потехин, Современные концентрические войны и Национальная Безопасность России. (Электрон манба) <https://www.milresource.ru/Potekhin-1.html>

¹² Фукуяма Ф. Доверие: социальные добродетели и путь к процветанию: Пер. с англ. / Ф. Фукуяма. — М.: ООО «Издательство АСТ»: ЗАО НПП «Ермак», 2004.

¹³ Халмухамедов Дилшод, Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашда Япония тажрибаси. Pandemiya sharoitida jamoat xavfsizligini ta'minlashning dolzarb muammolari: xalqaro amaliyot va milliy tajriba. Xalqaro ilmiy – amaliy konferensiya materiallari 2022 yil 27 aprel.



эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишини таъминлайди деб таъриф берилган. Ушбу қонунчилик ҳужжатида жамоат хавфсизлигини таъминлаш — давлат томонидан жамиятни таҳдидлардан ҳимоя қилиш учун белгиланадиган ҳамда доимий равишда такомиллаштириб бориладиган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа комплекс ташкилий чора-тадбирларни қамраб олувчи яхлит тизим эканлиги таъкидланган¹⁴.

Анъанавий ёндашувларга кўра хавфсизлик бу - ҳарбий феномен. Яқин вақтларгача ҳарбий хавфсизлик ёки миллий муҳофаа, "умумий хавфсизлик" тушунчасининг синоними сифатида кўрилар эди. Глобаллашув, халқаро миқёсда меҳнат тақсимотининг кенгайиши, фан-техника тараққиёти ва бошқа омиллар хавфсизлик муаммосининг тармоқларга бўлинишига олиб келди. Бугунги кунда давлат хавфсизлиги нафақат жисмоний хавфсизликдан, у янада кенгроқ талқинга эга бўлиб, турли соҳаларни қамраб олади. Ушбу талқин миллий хавфсизлик соф ҳарбий соҳа доирасидан чиқиб, милитаризм билан бир қаторда бошқа омилларни ҳам мужассам этади. Бундай ҳолатда ҳарбий хавфсизликни миллий давлат хавфсизлигининг алоҳида тармоғи сифатида ажратиб, уни давлат тизимидаги ўзига хос шаклда кўриб чиқиш зарур, дейди В. И. Захирова¹⁵.

Замонавий дунёда ҳарбий хавфсизликни таъминлаш масалалари муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзгарувчан ижтимоий муносабатлар тизимида мавжуд бўлган воқеалар ва турли фактлар ҳарбий хавфсизликни ташкил этишнинг янги шакллари ва усулларини қидиришни зарурлигини белгилайди. Шу сабабли қайд этилган масалаларни ҳал этишда мутахассислар фикрига мурожаат қилиш мақсадга мувофиқ. Бунда аввало тушунчанинг концептуал асосларини аниқлаш лозим бўлади.

Масалан ҳарбий хавфсизлик деганда - давлат халқаро муносабатларининг ва ҳарбий ташкилотининг шундай ҳолати тушуниладики, унда давлатни ҳарбий ҳужумдан ишончли ҳимоя қилиниши таъминланиб, урушнинг ёки қуроли можароларнинг юзага келиш эҳтимоли минималлаштирилади. Ҳарбий хавфсизлик мураккаб категория ҳисобланиб, давлат ҳаётининг деярли барча соҳалари - ташқи ва ички сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқалар билан чамбарчас боғлиқ.¹⁶

И. В. Манохин, Ю.В. Синчуклар, ҳарбий хавфсизликни таъминлаш давлат фаолиятинг муҳим йўналишларидан бири эканлигини таъкидлаб, ҳарбий хавфсизлик инсонлар томонидан тўпланган меросни турли даражадаги можароларни олдини олиш жараёнида потенциал зиён етказилишидан ҳимоя қилиш учун мавжуддир. Ҳарбий хавфсизликни таъминлашнинг мазмун-моҳияти: ягона давлат сиёсатини шакллантириш ва юритиш; ички сиёсий барқарорликни таъминлаб туриш; қўшни давлатлар ва бошқа мамлакатлар билан дўстона (иттифоқчилик) муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш; қуроли кучларни ҳар томонлама ва сифатли

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-27-сон Фармони

¹⁵ В. И. Захирова. Военная безопасность и внешняя политика государства. ЖУРНАЛ Вісник Національного університету «Юридична академія України імені Ярослава Мудрого». 2014.

¹⁶ Е.Ю. Хрусталёв Концептуальные основы военной безопасности государства. ЖУРНАЛ Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 10 (31) – 2008



такомиллаштирилишини таъминлаш; давлат чегарасини чегара олди минтақаси, самовий худуди ва сувости муҳити чегарасида қўриқлаш ва ҳимоя қилиш; зарур ҳолларда сиёсий акцияларни қўллаш, ўзаро ишонч чораларини мустаҳкамлаш ва қурол-яроғларни йўқ қилиш, қисқартириш ва чеклаш соҳасидаги мажбуриятларнинг бажарилишини ўзаро назорат қилиш; тинчликпарварлик фаолиятида иштирок этиш учун шайликни таъминлашдан иборат¹⁷.

Илмий давраларда ҳарбий хавфсизлик кўп ҳолларда миллатнинг жисмоний хавфсизлигини ва манфаатларини ташқи ҳарбий ҳужумлардан ҳимоя қилиш деб қўрилади. Бироқ, бу дастлабки ва чекланган ёндашув бўлиб, Б.Бузаннинг ёзишича, миллат ҳимоясининг концептуал асослари, муҳим давлат манфаатлари ҳарбий куч билан ҳимоя қилиш даврларига бориб тақалади. Демак, кенгроқ маънода ҳарбий хавфсизлик давлатнинг ўзини ҳимоя қилиш ва ҳарбий агрессиянинг олдини олиш қобилияти билан бир қаторда, ўз манфаатларини таъминлаш учун ҳарбий кучдан оқилона ва муваффақиятли фойдаланиш имкониятидан иборат. Бу У.Липпманнинг ҳарбий хавфсизлик ҳақидаги мулоҳазаларидан ҳам келиб чиқади. Унинг таъкидлашича, "ҳалқ фақат - урушлардан йироқлашишни орзу қилиб, ҳаётини манфаатларини қурбон қилишга мажбур бўлмагандагина, зарурат бўлганда эса урушда ғалаба қозониб, ҳаётини манфаатларини ҳимоя қилиш қобилиятига эга бўлгандагина хавфдан қутулган бўлади". А.Уолферс хавфсизликка қуйидагича таъриф беради: объектив маънода хавфсизлик "давлат эришган манфаатларига таҳдидларнинг йўқлиги, субъектив маънода эса бу таҳдидлар қаршисида қўрқувнинг йўқлигидир". Таҳдидлар ва қўрқувларнинг мавжудлиги эса, улар қаршисида заифликни намоён қилишдан вужудга келади. Муаммо икки йўл билан ҳал қилиниши мумкин: ёки заифлик пасайтирилади, ёки таҳдид манбаи аниқланиб, тўлиқ ёки қисман йўқ қилинади. Биринчи йўлни - давлатнинг миллий хавфсизлик стратегияси, иккинчи йўлни - халқаро хавфсизлик стратегияси деб аташ мумкин¹⁸.

Шарқий Туркистон ислом жумҳуриятининг биринчи президенти ва маршали Алихонтўра Шокирхонтўра ўғли Соғуний давлатнинг "мудофаа қуввати" ҳақида сўз юритиб, "Ўтмишдаги Ўзбекистон ўлкасида минг йиллар давом этган мустақил давлатимиздан 1865 йили чор Русиясининг босқинчилиги натижасида ажраган бўлсак ҳам, бошқа ишларимиз ўз қўлимизда эди. Бунинг устига Бухоро, Хива ҳукуматлари 1920 йил ўрталаригача сақланиб қолмиш эдилар. Бутун шароит қўлларидан бўлатуриб, онгсизлик офати, сиёсат кўрлигидан юзларча йиллаб қутилмоқда бўлган бу каби қулай фурсатни бекорга қўлдан чиқардилар. Йўқ эса бу икки ўлка бирлашиб, унинг устига халқ бойлиги ва ер бойлиги қўшилар экан, Ватанимиз Туркистонда миллий ва маданий кучлик бир давлат қуриш қобуси келмиш эди. Бироқ бахтимизга қарши бизда мудофаа қуввати йўқлигидан ўз еримизда ғариб бўлиб, ўз меросимизга эга бўлолмадик. Энди бу ўриндаги мудофаа қуввати нимадан иборат эканлигини ўқувчиларга билдириб ўтишимиз лозим бўлади. Босқинчиларга қарши қўйилган мудофаа қуввати эрса шу

¹⁷ И. В. Манохин, Ю. В. Синчук. К вопросу об обеспечении военной безопасности. Вестник МГЛУ. Выпуск 3 (742) / 2016

¹⁸ В. И. Захирова. Военная безопасность и внешняя политика государства. ЖУРНАЛ Вісник Національного університету «Юридична академія України імені Ярослава Мудрого». 2014.



ҳозирги замонавий илм-фан, қурол жабдуққа эга бўлишдан бошқа нарса эмасдир. Ялиниб ёлвориб булардан шафқат марҳамат тиламак шайтондан инсоф-тавфиқ умид этмак кабидир. Шунга кўра, Ватан болалари олдимиздаги келажак кунларни эскариб, замонавий илм ўқишга чин кўнгиллари билан киришиб, ҳалол мерос ўз Ватанларини эгаллаш учун мудофаа қуввати тайёрлашга тиш тирноқлари билан ёпишсинлар” деган¹⁹.

Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясида Ўзбекистон ўз суверенитетини таъминлашга ҳамда XXI асрда жаҳон ҳамжамияти, сиёсати, иқтисодиёти ва маданиятида муносиб ўрин эгаллашга қодир давлат эканлиги, миллий хавфсизликни таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг янада ривожланиши, демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришнинг энг муҳим шarti сифатида белгиланган. Ушбу Концепцияда миллий хавфсизлик соҳасидаги ягона давлат сиёсатида миллий хавфсизликка ички ва ташқи таҳдидларни аниқлаш ҳамда уларга баҳо бериш; миллий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш учун давлат ва жамиятнинг реал имкониятлари ва ресурсларини аниқлаш ҳамда уларга баҳо бериш назарда тутилган²⁰.

2018 йилда ҳарбий соҳада Ўзбекистоннинг миллий хавфсизлигини таъминлашга доир принциплар ва ёндашувларни белгилайдиган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси қабул қилинган. Ушбу доктринада ҳарбий хавфсизликка — миллий манфаатларнинг ҳарбий соҳада давлат хавфсизлигига бўлган таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати сифатида таъриф берилган²¹.

Лекин, ушбу таърифни тўлдиришга бугунги кунда зарурат туғилмоқда. Таърифда келтирилган “давлат хавфсизлиги” иборасига Доктринанинг ўзида тушунча берилмаган. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида Қонунда давлат хавфсизлигига — Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг, суверенитетининг, ҳудудий яхлитлигининг ва бошқа давлат манфаатларининг ташқи ҳамда ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати сифатида таъриф берилган²².

Юқоридагилардан хулоса қилиб ҳарбий хавфсизликка - миллий манфаатларнинг ҳарбий соҳада Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумининг, суверенитетининг, ҳудудий яхлитлигининг, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатларига бўлган таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати, деб таъриф бериш мақсадга мувофиқ.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, 2023 йилнинг 30 апрель кунига ўтказилиши режалаштирилган Ўзбекистон Республикаси Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини ўзгартириш бўйича умумхалқ референдумида халқимиз томонидан ўзгартиришлар маъқулланган тақдирда, Ўзбекистон Республикасида амалда бўлган қонунларга қўшимчалар киритилиши лозим бўлади. Шу жараёнда Ўзбекистон

¹⁹ Алихонтўра Соғуний. ТУРКИСТОН ҚАЙҒУСИ. (Электрон манба) www.ziyouz.com кутубхонаси

²⁰ Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 467-1-сон Қонуни.

²¹ Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси. (Электрон манба) <https://lex.uz/docs/3495885>

²² Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида” ўРҚ-471-сон Қонуни. (Электрон манба) <https://lex.uz/docs/3610935>



Республикаси Мудофаа доктринасига ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, ҳарбий хавфсизлик таърифини ҳам аниқлаштириш таклиф этилади.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 467-I-сон Қонуни.
2. Творения Платона, Том I, Евтифрон, Апология Сократа, Критон, Федон. 11, стр. 135. Петербург 1923.
3. Военная безопасность как проблема философии политики. А.А. Ковалев, Э.А. Мусин. Вестник Поволжского института управления 2018. Том 18. № 3.
4. Аристотель Политика. Издание, оформление. ООО Группа Компаний «РИПОЛ классик», 2016
5. Военная безопасность как проблема философии политики. А.А. Ковалев, Э.А. Мусин. Вестник Поволжского института управления 2018. Том 18. № 3.
6. Ювал Ноа Ҳарари Sapiens: Инсониятнинг қисқача тарихи
7. А.А.Одилов. Амир Темур тузуклари - давлат бошқаруви асоси. — “Fan va texnologiya nashriyoti”, 2016.
8. Elmurotov Jamshid Shodiyorovich Jon Lokkning siyosiy-falsafiy qarashlarida davlat boshqaruvi va uning tasniflarining aks etishi. Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences Scientific Journal Impact Factor. Volume 1
9. Джон Локк. Два трактата о правлении (Электрон манба) <http://www.6lib.ru/books/dva-traktata-o-pravlenii-230232.html>
10. В.К. Потехин, Современные концентрические войны и Национальная Безопасность России. (Электрон манба) <https://www.milresource.ru/Potekhin-1.html>
11. Фукуяма Ф. Доверие: социальные добродетели и путь к процветанию: Пер. с англ. / Ф. Фукуяма. — М.: ООО «Издательство АСТ»: ЗАО НПП «Ермак», 2004.
12. Халмухамедов Дилшод , Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашда Япония тажрибаси. Pandemiya sharoitida jamoat xavfsizligini ta’minlashning dolzarb muammolari: xalqaro amaliyot va milliy tajriba. Xalqaro ilmiy – amaliy konferensiya materiallari 2022 yil 27 aprel.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-27-сон Фармони
14. В. И. Захирова. Военная безопасность и внешняя политика государства. Журнал Вісник Національного університету «Юридична академія України імені Ярослава Мудрого». 2014.
15. Е.Ю. Хрусталёв Концептуальные основы военной безопасности государства. Журнал Национальные интересы: приоритеты и безопасность. 10 (31) – 2008
16. И. В. Манохин, Ю. В. Синчук. К вопросу об обеспечении военной безопасности. Вестник МГЛУ. Выпуск 3 (742) / 2016
17. Алихонтўра Соғуний. Туркистон қайғуси. (Электрон манба) www.ziyouz.com кутубхонаси



18. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 январдаги 458-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси. (Электрон манба)

<https://lex.uz/docs/3495885>

19. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида” ЎРҚ-471-сон Қонуни. (Электрон манба)

<https://lex.uz/docs/3610935>